
Марғилонда "Оналарга эҳтиром" III анъанавий фестивалининг вилоят якуний босқичи бўлиб ўтди. Ғолиблар орасида бағдодликлар ҳам бор. Бу йил вилоятимизда учинчи бор ўтказилган "Оналарга эҳтиром" фестивалининг якуний вилоят босқичи доирасида Марғилон шаҳридаги "Ижодкорлар боғи" да катта байрам дастури ташкил этилди.

Боғ ҳудудидаги амфитеатр вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган 1,5 минг нафардан зиёд мўътабар онахонлар ҳамда аёлларни ўз бағрига жамлади.

"Оналарга эҳтиром" фестивали якуний босқичи шодиёнасини вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров очиб берди.

Муҳтарам Президентимиз бошчиликларида бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган улкан ислохотларнинг марказида мўътабар оналаримиз, меҳрибон аёлларимизни эъзозлаш, розилигини олиш, ҳаётларини энгиллаштириш, соғ-саломат бўлиб, бахтли бўлиб яшашларини таъминлаш мақсадлари мужассам эканига эътибор қаратган вилоят ҳоқими, "Оналарга эҳтиром" байрамини ташкил этилиши ҳам ушбу эзгу мақсадларга хизмат қилишини айтиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрликлари ва эътиборлари билан вилоятимизда ҳам хотин-қизларнинг ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилаш, уларга дахлдор ижтимоий муаммоларни ҳал этишга устувор аҳамият қаратилаётганини қайд этган вилоят ҳоқими, ўтган йили 48 мингдан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминлангани, 22 минг нафардан кўпроқ аёлларга 405 млрд. сўмдан зиёд кредит ажратилгани, 23 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарлар ва тадбиркорликка ўқитилганини қанча хонадонларга қувонч ва шодлик кириб, қанча-қанча одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифати тубдан ўзгарганини, минглаб аёлларимизнинг руҳи кўтарилиб, уларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланганини таъкидлади.

Фарғонада ўтказиб келинаётган "Оналарга эҳтиром" фестивали, миллий қадриятларимизни сақлаб қолиш йўлида қилинаётган катта қадам эканини қайд этган Озодбек Назарбеков, Туризм ва маданият вазири сифатида ушбу фестивални республика миқёсида ташкил этиш, "Оналарга эҳтиром" байрами ҳар бир маҳаллагача кириб боришини таъминлаш учун ҳаракат қилишини билдирди.

Фестиваль доирасида "Энг яхши мутахассисларни тарбиялаган она", "Энг ибратли меҳнаткаш она", "Энг яхши тадбиркорлар онаси", "Ватан фидоийси онаси", "Энг матонатли она" каби 12 та номинацияда вилоят миқёсида ғолиб бўлганларга мукофотлар топширилди. 1-ўрин эгаларига музлаткич, 2-ўринни эгаллаганларга кир ювиш машинаси, 3-ўрин соҳибларига телевизор совға қилинди. Барча ўрин эгалари вилоят ҳоқимининг фахрий дипломи билан ҳам тақдирландилар.

Эътиборлиси, тақдирланганлар орасида туманимиз вакиллари ҳам бор. Жумладан, "Қоровултепа" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ҳадичахон ая Ғаниева - "Энг яхши мутахассисларни тарбиялаган она" номинациясида 1-ўринни, "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Нозимахон ва Ойбекжон Усмонхўжаевлар оиласи - "Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи" номинациясида 2-ўринни, чекмирзаободлик Дилоромхон ая Қўрчиева эса "Юрт ифтихорлари онаси" номинациясида 3-ўринни қўлга киритдилар.

Муножот Йўлчиева, Абдуҳошим Исмоилов, Илҳом Иброҳимов, Зулайҳо Бойхонова, Алишер Файз, Абдужалил Қўқонов, Муҳсинбек Мўминов, Зиёда Қобулова каби кўплаб республикамизда таниқли санъаткорлар иштирокида куй-қўшиқлар, шунингдек вилоят санъат усталари томонидан тайёрланган Она мавзусидаги сахна кўринишлари байрамга ўзгача шукуҳ бахш этди. Тадбирнинг концерт қисми Озодбек Назарбеков ижросидаги жозибали қўшиқлар билан якунланди.

“Оналарга эҳтиром” фестивали ниҳоясида Марғилон осмони узра ранг-баранг ва ёрқин мушаклар порлади.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-05-22 19:00:49